

ХОРАЗМДА ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ТУЗИЛМАЛарНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

I. A. Nurmetov

Urganch davlat universiteti, PhD.

ismoil_nur84@mail.ru; Телефон: +99891 913 48 81;

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек давлатчилик тарихининг пайдо бўлиши, бошқарув шакли, жамиятдаги тартиб-қоидаларни назорат қилувчи органлар, суд-хуқук ва прокуратура тизими соҳаларига доир фикр мулоҳазалар юритилган. Шу билан бирга Хоразм вилоятида қонун устиворлигини таъминлаш, қонун ижросини назорат қилувчи тузилмаларнинг шаклланиши, жумладан прокуратура институтининг шаклланишини даврлари акс этган.

Калит сўзлар: Авесто, Катта Хоразм, Қадимги Бактрия, Хива хонлиги, округ, область, Хоразм вилояти, фиқҳ, прокурор, Хоразм Совет Саиалистик Республикаси.

Аннотация:

В данной статье рассматривается история узбекской государственности, форма правления, органы, контролирующие процессы в обществе, судебная власть и прокуратура. В то же время в Хорезмской области нашли отражение периоды обеспечения верховенства закона, формирования структур, контролирующих исполнение закона, в том числе формирования органов прокуратуры.

Ключевые слова: Авеста, Большой Хорезм, Древняя Бактрия, Хивинское ханство, уезд, область, Хорезмская область, судебная практика, прокурор, Хорезмская ССР.

Abstract

This article discusses the history of Uzbek statehood, the form of government, bodies that control processes in society, the judiciary and the prosecutor's office. At the same time, the Khorezm region reflected the periods of ensuring the rule of law, the



Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies Hosted online from Moscow, Russia

Date: 11th April, 2023

ISSN: 2835-5733

Website: econferenceseries.com

formation of structures that control the implementation of the law, including the formation of prosecutors.

Keywords: Avesta, Greater Khorezm, Ancient Bactria, Khiva Khanate, district, region, Khorezm region, judicial practice, prosecutor, Khorezm SSR.

Мил. авв. 1-минг йилликнинг бошларида Марказий Осиёнинг нисбатан ривожланган вилоятларида илк давлат бирлашмалари пайдо бўла бошлайди. Қишлоқлар кенгайиб шаҳарларга айланиб борар экан, бу шаҳарлар энг қадимги вилоятлар ва давлат уюшмаларининг маъмурий маркази бўла боради. Авестодаги маълумотлар, Геродот ва Гекатей асрлари (Катта Хоразм), шунингдек, Ктесийнинг, Қадимги Бактрия подшолиги ҳақидаги маълумотлари Марказий Осиёда илк давлат уюшмаларининг учун асос бўлиб хизмат қиласди. Тадқиқотчилар бу давлатларининг шаклланиш жараёнини аҳомонийларгача бўлган даврда деб хисоблайдилар ва мил. ав. IX-VII асрлар деб белгилайдилар. Катта Хоразм давлати таркиби Амударёнинг қуи оқимидаги шимолий ерлар, Мурғаб ваҳоси ва Парфия худудлари, Бактрия давлати таркиби эса хозирги Сурхандарё, Тожикистоннинг Амударёга ёки ерлар ва Шимолий Афғанистон худудлари, Суғдиена - Зарафшон дарёсидан сув ичган ерлар ва Қашқа ваҳоси худудлари кирган¹. Табиийки, давлатчилик билан бир вақтда унинг бошқарув шакли, жамиятдагит тартиб-қоидаларни назорат қилувчи органлар, суд-хуқуқ ва прокуратура тизими ҳам аста-секинлик билан шаклланади. Лекин том маънодаги хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ва йўналишлари, одил судлов тизимининг шаклланиши узоқ давом этган жараёндир. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси ва унинг таркибий қисми бўлган Хоразм вилоятида ҳамбир қанча даврларни босиб ўтди.

Хоразм вилоятида қонун устиворлигини таъминлаш, қонун ижросини назорат қилувчи тузилмаларнинг шаклланиши, жумладан прокуратура институтининг шаклланишини тўрт даврга бўлиб ўрганамиз. Дастрраб худудимизда давлат бошқаруви ва жамиятдаги хуқуқий қарашлар зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” билан боғлиқ. Мазкур китобдаги хуқуқий қарашлар, қонун-қоидалар ва шу асосда шаклланган тамойиллар давлат ва

¹ М.Матниёзов. Хоразм тарихи. 1-жилд. Урганч. 1996. 33-бет, <http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/218>



Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies Hosted online from Moscow, Russia

Date: 11th April, 2023

ISSN: 2835-5733

Website: econferenceseries.com

жамиятни бошқаришда дастурил-амал бўлиб келди. Мазкур ҳолат то юртимизга араблар босқинига қадар давом этди.

Хоразм воҳасида давлатнинг пайдо бўлиши билан уни идора қилиш бўйича қонун-қоидалар ишлаб чиқилди. Шу билан бирга ҳар бир даврнинг эҳтиёжи, ҳалқ манфаатларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган қонун-қоидаларнинг шаффоғлигини назорат қиласиган, қонунбузарлик холатлари кузатилса уни жазолаш механизми эга бўлган мансаблар бўлган.

Бу тамойил зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да “Эзгу фикр, эзгу ўй, эзгу амал” деб юритилган. Китобнинг “Вендидод” қисмида зардуштийлар томонидан чиқарилган қонунлар кишиларнинг ижтимоий ҳуқуқлари, одамларнинг жамиятдаги тутган ўринлари, ахлоқ ва одоб, жиноят ва жазо каби ҳуқуқ-тартибот органлари тизимига оид масалалар муфассал баён этилган².

Хоразмда қонунлар ижросини назорат қилувчи тузилмаларни, ҳуқуқ-тартибот органларишакллагнишининг иккинчи даври Ўрта Осиёни, шу жумладан Хоразмнинг VIII аср бошларда араблар томонидан эгалланиши билан боғлиқ. Араблар кириб келгунича бўлган ҳар қандай урф-одат, тил, дин ва суд-ҳуқуқ тизими хам бутунлай йўқотилди.

Бу даврда ислом дини асосида шаклланган янги “фиқҳ” илми ва мусулмон ҳуқуқи шаклланди. Жамиятдаги барча тартиб-интизом қоидалари ислом дини, шариат қонун-қоидалари ва ислом динининг муқаддас китоби “Қуръони карим” асосида ишлаб чиқилди.

Ислом уйғониш дарига келиб, Ўрта Осиёning кўплаб худудларида кўплаб фиқҳшунос олимлар етишиб чиқди. Улар томонидан ёзилган асарлар нафақат ўз даври балки кейинчалик хам давлат бошқаруви, арз-шикоятлар, турли хил баҳс-мунозаралар устидан адолатли ҳукм чиқаришда қозилар учун дастурил-амал бўлди.

Қози лавозими ўз даврида дин пешвоси, жамиятдаги адолат учун масъул бўлган ловазим эди. Унга фуқаролик ва жиноят ишларини тафтиш қилиш, одамлар орасида ахлоқ меъёрларининг сақланишини назорат қилиш, мол-мулкка васийлигини таъминлаш, мулкларни назорат қилиш, чиқарилган ҳукмларнинг бажарилиши ва закот, масжид-мадарасалар маблағларининг

² Х.Бобоев, С.Ҳасанов. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. Тошкент. 2001. 51-53-бетлар.



Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies Hosted online from Moscow, Russia

Date: 11th April, 2023

ISSN: 2835-5733

Website: econferenceseries.com

йиғилиши, уларнинг тўғри тақсимланиши қузатиш каби вазифалар айни қозининг зиммасида бўлган.

Машҳур ватандошимиз Муҳаммад аз-Замахшарий мисолиди Хоразмда ўзига хос фикъшунослик мактабининг шаклланганлиги, ўз даврида жамиятда қонун устиворлигининг таъминланиши ва ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинишини кўриш мумкин. Қози калон лавозими Хива хонлиги даврида ҳам мавжуд бўлган. Бунга мисол сифатида Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг “Шажарайи Хоразмшоҳий” асаридаги қўйидаги маълумотни келтирамиз: “Муҳаммад Раҳимхон II вафот этиши муносабати билан жанозани Қози калон Салимохун ўқиди”³.

Чор Россия томонидан Ўрта Осиё босиб олингандан кейин, бу минтақада ўзи хос бошқарув органи таъсис этилди. Масалан, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги вассал давлат айлантирилган бўлса, Кўқон хонлиги тугатиб юборилди. Ўрта Осиёдаги мавжуд худудларни бошқариш учун ва уларга раҳбарлик қилиш мақсадида 1867 йил Туркистон генерал-губернаторлиги тузилди. Прокурор назорати институти 1867 йилда қабул қилинган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги вақтинчалик Низом лойиҳасида назарда тутилган эди. Лекин, бу даврда прокуратура маҳсус орган сифатида ҳали ташкил этилмаган эди. Прокурор вазифасини ўз ташаббусларига кўра ҳарбий губернаторлар бажаришган. Туркистон ўлкасини маъмурий жиҳатдан Сирдарё вилояти, Зарафшон округи ва Амударё бўлимидан иборат бўлиб, худудий бўлинишга қараб Сирдарё вилоятида вилоят губернаторининг ўзи, Зарафшон округида округ бошлиғи ва Амударё бўлимида бўлим бошлиғи прокурор сифатида иш кўрган ушбу мансабдор шахслар ишларни судловлилик бўйича тегишлилигини қайта кўриб чиқишилари, уларни маъмурий тартибда ҳал қилишилари ва ўзларининг қарашлари бўйича фаолият юритишлари мумкин эди.

1887 йилда Россия империяси буйруғига кўра, Россия адлия вазирлиги маъмурий тартибда бўйсунувчи Сирдарё, Янги Марғилон, Самарқанд, Верний вилоят судлари қошида прокуратуралар ташкил этилади. Россия подшосининг Туркистондаги прокуратураси маъмурий-худудий тамойилга асосан тузилган

³ Адолат йўлида 70 йил. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 1992. – Б. 41.



⁴ Адолат йўлида 70 йил. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 1992. – Б. 7.

⁵ ЎзМА Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 19 а – йиғма жилд, 161-саҳифа.

⁶ М.Маткаримов. Хоразм республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. “Хоразм” нашриёти. Урганч, 1993 йил. 18-бет.

⁷ Адолат йўлида 70 йил. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 1992. – Б. 143.

эди. Барча прокурорлар подшо томонидан лавозимига тайинланар ва лавозимидан озод қилинар эди.

Совет давлатининг қурилишининг илк даврларида қонунларнинг бажарилишини назорат этувчи махсус идора – прокуратурани ташкил этишни рад этишди. Бунга асосий сабаб сабиқ империя давридаги қилинган ишлар, кўрилган жиноий ва фуқаролик ишлари сабаб, прокуратура органи халқ хокимияти яъни ишчи ва меҳнаткашлар давлатига мос келмайди деган дунёқарашибаб бўлди⁴. Шу тариқа севет хокимиятининг дастлабки 5 йили давомида прокуратурасиз фаолият олиб борди.

1922 йил 9 майда Туркистон марказий ижроия қўмитасида “прокуратура назоратини ташкил қилиш ҳақида декрет” ўрганиб чиқилган ва “Туркистон прокуратураси ҳақида”ти Низом амалий кучга кирган⁵.

1920 йил 2 февралда Хива хонлиги тугатилиб, ўрнида Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил топди. Дастлаб республикани бошқариш учун 5 кишидан иборат муваққат хукумат ташкил этилди. 1920 йил 30 апрелда бўлиб ўтган 1-Бутун Хоразм қурултойида Хоразм Халқ Совет Республикасининг раҳбарлари сайланди ва давлатнинг биринчи Конституцияси қабул қилинди⁶.

Хоразмда қонунлар ижросини назорат қилувчи тузилмаларнинг пайдо бўлиши учинчи даври 1920-1924 йилларда Хоразм Халқ Республикаси даври билан боғлиқ. Бу даврда республикада ишлаб чиқилган қонун ҳамда декретларнинг бажарилишини назорат этувчи махсус идора – адлия нозирлиги ташкил этилган. Нозирлик ўз вақтида ҳозирги прокуратура органларининг функциясини бажарган. XXСР биринчи адлия нозири вазифасига сабиқ Хива хонлиги даврида, яъни 1912-1916 йилларда Қози калон бўлиб ишлаган ва “Ёш хиваликлар” ҳаракатининг фаолларидан бўлган машхур хукуқшунос Бобоохун Салимов сайланган.

1923 йил октябрда Умумхоразм шўролар 4-қурултойида ХССР қайта Хоразм Совет Сиалистик Республикаси деб номланди ва 1924 йил мартада бу ерда Адлия нозирлиги таркибида прокуратура идораси ташкил этилди. ХССРнинг биринчи прокурори лавозимига Хонов тайинланган⁷.



Хоразмда қонунлар ижросини назорат қилувчи тузилмаларнинг пайдо бўлиши тўртинчи даври ХССР тугатилиши ва Хоразм обlastinинг ташкил этилиши билан боғлиқ. Хоразм обlastinинг ташкил этилишидаги сиёсий-хуқуқий жараёнларда давлат прокурори сифатида И.Мансуров фаолият кўрсатган.

1920-1930 йилларда ХССРнинг, кейинчалик Хоразм вилоятининг (округ) давлат прокуратураси вилоятнинг ҳозирги маъмурий маркази Урганч шаҳрида эмас, ХССРнинг шу пайтдаги пойтахти Хива шаҳрининг Дешон қалъасида жойлашган “Нуруллабой” саройида фаолият кўрсатган⁸.

1924-1926 йилларда Ўзбекистон ССР таркибида Хоразм расман область деб номланган. 1926-1930 йиллар мобайнида Хоразм округ деб юритилган ва 1930 йилгача маъмурий марказ Хива шаҳри бўлган. Бу даврда Хоразм округи маъмурий-худудий жиҳатдан уездларга бўлиб бошқарилган. Шу билан бирга Янги Урганч, Гурлан ва Хива уездларида прокуратуралар ҳам фаолият олиб борган. 1925 йилда округ прокуратурасининг шахсий таркиби саккиз кишидан иборат бўлган. Жумладан, прокурор ўринбосари, ёрдамчиси, котиб, таржимон, журналист, машинист ва хат ташувчи ходимлардан иборат эди. Хива шаҳри, Янги Урганч, Гурлан районида участка прокурори бўлиб, прокуратура таркиби прокурор ёрдамчиси ва иш юритувчи штати бўлган холос.

Бу ҳолга ўша даврдаги миллий кадрлар, маҳаллий тилни биладиганлар етишмаганлиги, тегишли қўлланма ва хуқуқшуносликка оид адабиётлар билан таъминланмаганлик, ишлаш учун энг оддий шароитлар бўлмаганлиги қўшилса, прокуратура органлари чекига тушган қийинчиликлар ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Бу қийинчиликлар ўша даврдаги давлат бошқарув идоралари ходимларининг аксар қисми фуқаролар уруши даври услубида иш тутганликлари оқибати бўлган. Фуқароларнинг хуқуқини поймол қилиш оддий ва кундалик ҳолга айланиб қолган. Бу ҳол одамларнинг нажот излаб прокурорлар хузурига аризашикоят билан оқиб келишига сабаб бўлган.

⁸ М.Матниёзов. Хоразм тарихи. 2-жилд. Урганч. 1997. 33-бет.

Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Moscow, Russia

Date: 11th April, 2023

ISSN: 2835-5733

Website: econferenceseries.com

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М.Матниёзов. Хоразм тарихи. 1-жилд. Урганч. 1996. 33-бет
- 2.Х.Бобоев, С.Ҳасанов. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. Тошкент. 2001. 51-53-бетлар
- 3.Адолат йўлида 70 йил. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 1992. – Б. 7.
- 4.ЎзМА Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 19 а – йигма жилд, 161-саҳифа.
- 5.М.Маткаримов. Хоразм республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. “Хоразм” нашриёти. Урганч, 1993 йил. 18-бет.
- 6.Адолат йўлида 70 йил. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 1992. – Б. 143.
- 7.М.Матниёзов. Хоразм тарихи. 2-жилд. Урганч. 1997. 33-бет.
8. <http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/218>

